# СИЁСИЙ МАНФААТЛАРДА МУҚОБИЛЛИК БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизнинг жавобимиз битта: бу ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам манфаатдордир. Маълумки, кучлар мувозанатига асосланган сиёсатда бўшлиқ бўлмайди. Афсуски, МДҲ доирасидаги шериклик айтарли самара бермаяпти, на иқтисодиётда, на сиёсий ва ҳарбий-техник йўналишда ўзаро ҳамкорликнинг аниқ натижа берувчи бирон дастури кўзга ташланмайди. Бунинг устига, Константин Тоцкий (Россия Федерал чегара хизмати директори) сингари баъзи россиялик сиёсатдонлар эса ҳамон Марказий Осиё давлатларининг ҳозирги сиёсатига нисбатан ўша-ўша «империяпарастлик» оҳангларида хуруж қилишдан ўзини тия олмаяпти. Тўғри, 1996 йилда, ўша пайтда Россия ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган Е.Примаковнинг Ўзбекистон раҳбарияти билан олиб борган музокаралари Москванинг ҳушини бир оз ўзига келтирди. Ўшанда Е.Примаковга, Ўзбекистон баъзилар ҳанузгача ўйлаб келаётганидек, Россиянинг «бир чеккаси» эмас, балки чинакам маънода мустақил давлат ва у Россия сиёсатининг жиловида юришни истамайди, деб уқтирилган эди.

Ҳар қандай фаолият, энг аввало, сиёсий фаолият доимо турмушдаги қандайдир бир устувор мақсадга узвий боғлиқлиги билан ажралиб туради ва бу сиёсат ўзига мос воситалар билан амалга оширилади. АҚШ ҳозирги кунда дунёдаги энг қудратли ягона давлат ҳисобланади ва халқаро муносабатлар тизимидаги барқарорлик унинг олиб бораётган сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Пировардида, АҚШ бугун янги ёвуз куч — терроризмга қарши курашда ўзига бош қўшаётган давлатлар билан энг яқин ҳамкорлик ўрнатишни оқилона сиёсат деб билади.

Давлат раҳбари ва бошқа арбобларнинг заковати, уларнинг жамият ва давлат ҳаётининг ички ва ташқи шарт-шароитларига имкон қадар тўла монанд равишда **миллатнинг айнан шундай шароитда муқобили бўлмаган манфаатларини илғаб, юзага чиқара олишлари** ҳар бир мамлакат сиёсатини белгиловчи мезонлардир. Агар ўзбек моделининг «миллий тархи» ҳақида гапирадиган бўлсак, бу — олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг мутаносиблиги, вазминлиги, айни пайтда ўзига хослигини тўла сақлаб қола билганлиги билан изоҳланади. Буларнинг барчаси давлатимизнинг оқилона фаолиятини бизнинг давримизда озмунча учрамаётган ҳар хил хомхаёлларга берилишдан, ҳавойиликдан ва сиёсий маҳмадоналиклардан яққол ажратиб туради. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, қатъий ва чуқур ўйланган сиёсий ёндашув республикамизни собиқ совет тузуми ҳудудида вужудга келиб, барқарор ривожланиш йўлидан бораётган илғор давлат даражасига кўтарди. Таниқли америкалик сиёсатшунос Жимми Картер маъмуриятида миллий хавфсизлик масалалари бўйича президент ёрдамчиси бўлиб ишлаган Збигнев Бжезинский ўзининг «Буюк шахмат тахтаси» деб номланган кейинги китобида Ўзбекистонни Марказий Осиёда пешқадамликка энг бош даъвогар давлат деб тилга олади ва бу мамлакатда фақат сиёсий доирадагина эмас, балки бутун халқ янги давлатнинг йўлини қўллаб-қувватлаётгани ҳамда мустақиллик йўлидан қатъий ишонч билан олдинга одимлаётгани ҳақида ёзади.

Умуман олганда, 2001 йилнинг охири ва 2002 йилнинг бошланишида Афғонистонда содир бўлган воқеалар принципиал аҳамиятта эгадир. Ер юзида юз берган жиддий ўзгаришлар бутун-бутун минтақалар ва ҳудудларни қамраб олади. Бироқ Евроосиё бу ўзгаришлар муҳитида алоҳида ўрин тутади. Британиялик таниқли сиёсатшунос Хальфорд Маккиндер бу ҳудудни «Хартленд» — «Ернинг киндиги» деб таърифлайди. Айнан шу ҳудудда XXI асрда бутун инсоният ҳаётига катта таъсир кўрсатаётган глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Худди шу минтақада бошқа жуда кўп мамлакатларни ҳаракатга келтирган халқаро терроризмга қарши кураш авж олиб кетди.

Евроосиё бугун халқаро сиёсат майдонида ўз салмоғи ва келажак қиёфасини белгиловчи тамойилларга эга бир ҳудуд сифатида алоҳида ўрин тутади. Ва бундай қарашлар тўла асослидир. Ер юзидаги аҳолининг деярли 75 фоизи Евроосиёда яшайди. Ер юзи бойликларининг энг катта қисми ҳам шу минтақададир. Жаҳондаги ички ялпи маҳсулотнинг тахминан 60 фоизи ва энергия заҳирасининг тўртдан уч қисми ҳам шу минтақа ҳиссасига тўғри келади.

Марказий Осиёнинг халқаро ҳаётта кучли даражада кўрсатадиган таъсири, бошқа барча омиллардан ташқари, яна бир омил — бу ҳудуднинг энергия ресурсларига беҳад бойлиги билан изоҳланади. Бу омил Форс кўлтиғидаги углеводород заҳиралари манбаи тобора камбағаллашиб боргани сайин янада ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Устувор вазифалардан яна бири Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларининг ривожланган Ғарбий Европа давлатлари билан ҳамкорлигини кучайтирувчи Евроосиё йўлагини яратиш ва уни янада фаоллаштириш билан боғлиқдир. Бу йўналишда минтақанинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига кўмаклашувчи «иқтисодий йўлак» вужудга келаётганлиги ҳам диққатта сазовордир. Худди шу йўналишда Марказий Осиё ва Кавказортини Ғарб билан боғловчи янги «Ипак йўли»ни вужудга келтириш ҳам муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, АҚШда турли даражада Марказий Осиё минтақасининг глобал аҳамиятини қайта идрок этиш жараёни юз бермоқда. Бу таҳлилларда фақат Американинг миллий манфаатигина инобатга олиниб қолинмасдан, шу билан бирга, Евроосиёдаги бу ўзгаришларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларда юз беришига кўмаклашиш ҳам муҳим ўрин тутади. Вашингтонда бўлган Ўзбекистон ва АҚШ давлат раҳбарларининг учрашувида масаланинг ана шу томонлари ҳам муҳокама этилди.

Бундай умидлар ўзини яна шу маънода оқлайдики, баъзибир ҳисоб-китобларга кўра, яқин 20-30 йил ичида жаҳонда энергияга эҳтиёж янада ортиб боради. АҚШ Энергетика вазирлигининг хулосаларига кўра, 1993 ва 2015 йиллар ўртасида жаҳон миқёсида энергияга эҳтиёж 50 фоиздан кўпроққа ортади. Айниқса, Узоқ Шарқда бундай эҳтиёж ниҳоятда ривожланади. З.Бжезинский «Буюк шахмат тахтаси» номли китобида қайд этганидек, «Осиёнинг иқтисодий тараққиётида юз берган туб бурилиш бу ҳудудда янги энергетика манбаларини қидириш ва ишга тушириш вазифасини кўндаланг қўяди. Марказий Осиё ва Каспий денгизи ҳавзасида эса Қувайт, Мексика кўрфази ва Шимолий денгиз ҳудудларидаги ер ости бойликларидан кўпроқ табиий газ ва нефть сақланмоқда». Ва унинг хулосаларидан яна бири шундай: «Геосиёсий плюрализм — нефть қувурлари ва транспорт йўллари минтақани Ўрта Ер денгизи, Араб денгизи ва қуруқлик орқали бевосита жаҳон иқтисодий фаолиятининг йирик марказлари билан боғлагандагина барқарор реаллик касб этади».

Эҳтимол, энди шундай бўлар, лекин Бжезинский бундай қувурлар ва транспорт йўллари минтақада вазият барқарорлашса ҳамда бу ҳудудга кирувчи давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари қарор топган шароитдагина ўтказилиши мумкинлиги тўғрисида тасодифан ёки атайлаб сукут сақлайди. Бу жиҳатдан Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Минтақалар орқали глобаллашув» ғояси ўзида масаланинг моҳиятини чуқур ифода этган. Чиндан ҳам, минтақалар муносабатини тартибга солмасдан туриб, глобал тузилмаларга кириб бориш мушкулдир. Афғонистонда толибларнинг террорчилик тузилмаларига барҳам берилиши, шунингдек, бу мамлакатда сақланиб қолган зиддиятли ҳолатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш мана шундай глобалликка йўл очади.

Геосиёсий барқарорлик, кучларнинг мувозанати ва миллий манфаатлар — булар, маълум бўлаяптики, аллақандай назарий мавҳумотлар эмас, балки барча давлатлар амалда дуч келаётган ва уларнинг кундалик сиёсатига асос бўлаётган масалалардир. Бу масалалар минтақадаги кўпгина давлатлар билан чегарадош бўлиб яшаётган Ўзбекистон учун ҳам муҳимдир. Бу масалалар АҚШ учун ҳам катта аҳамиятга эга. Г.Киссенжер ўзининг «Дипломатия» деб аталган тадқиқотида, миллий манфаатларда — муқобиллик бўлмайди, деган машҳур сиёсий тамойилни бежизга тез-тез такрорламайди.

**Улуғбек ҲАСАНОВ,**
**сиёсатшунос.**

***

**Бугуннинг гапи**

**Косонсой туманидаги "Уй меҳнати" акциядорлик жамиятининг 30 нафар ишчиси бу саволга "Йўқ" деб жавоб беришди. Чунки уларнинг 154,9 минг сўм қонуний иш ҳақи корхона маъмурияти томонидан ўз вақтида тўланмаган. Масалага Наманган вилояти прокуратураси ходимлари аралашгач, муаммо ижобий ҳал этилди. Ёки шу тумандаги 147-хўжаликлараро кўчма жамланма жамоасини олинг. Текширишлар натижаси эълон қилингандан кейин бу ерда ҳам айрим мансабдор шахсларнинг пайтавасига қурт тушди. Сабаб?.. Вақтида тўланмаган 56,6 минг сўм иш ҳақи, яқинда эълон қилинган ҳукумат қароридан сўнг, жавобгарликка тортиш учун етарли далил эканлиги ҳаммага маълум бўлди-қолди.**

# ИШ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛАЯПСИЗМИ?

Ҳа, энди у ёки бу баҳона билан ойлик маошни вақтида бермаслик "ўйин"лари кетмайди. Буни нафақат прокуратура ёхуд адлия идоралари ходимлари, балки касаба уюшмаларининг тармоқ кенгашлари ҳам меҳнат ва жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандларнинг вақтида бажарилиши нуқтаи назаридан назорат қилади. Қарорда шу жиҳатта алоҳида урғу берилган.

Кўпгина мутасаддиларга нима учун иш ҳақи вақтида берилмади, деган саволни берсангиз, банк билан бўладиган муносабатлар, нақд пул тушуми озлиги боис пул айланиш режимининг бузилганини важ қилиб кўрсатишади. Банклар масаласига тубанда яна қайтамиз. Хўш, асосан нақд пул тушумига эга бўлган бозорлар масалага яна ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари аралашади. Шу тумандаги "Дилмурод" кўп тармоқли кичик корхонаси раҳбари эса 4 нафар шахснинг 28 минг сўмлик иш ҳақини вақтида тўламай, пайсалга солган. Хуллас, бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Банклар масаласига қайтсак. Чунки биз сўз юритаётган қарорда тижорат банклари тегишли кафолат билан, шу жумладан, юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида иш ҳақи тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бериши таъкидланган. Бинобарин, иқтисодий ночор аҳволдаги корхона ва ташкилотлар ҳам тижорат банклари томонидан ажратиладиган ушбу кредитлар эвазига ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлаши зарур. Чунки қилинган меҳнат ҳақини ўз вақтида олиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқидир.

Дарвоқе, қарор ҳақида. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхона ҳамда ташкилотлар ходимларига иш ҳақининг ўз вақтида тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди. Унинг 4-бандида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назоратни кучайтирсин ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жазолашгача жавобгарликка тортсин".

Гапни Намангандан бошлаган эканмиз, ушбу вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Баҳодир Саидов келтирган қуйидаги маълумотларни ҳам билиб қўйиш зиён қилмайди, чамамда: 2002 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят бўйича жами 15 та тақдимнома киритилди, 17 нафар мансабдор шахс маъмурий, 7 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди, битта жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, 54 та даъво аризаси киритилиб, 6 миллион 732 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Айниқса, унда кўрсатилган яна бир ҳолат кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Шу пайтгача айрим ташкилот, корхоналар гўё ўз қарзларидан қутулиш учун иш ҳақи ўрнига оила эҳтиёжига зарур ё нолозим маҳсулотлар берар, бу эса эътирозларга сабаб бўларди. Эндиликда: "2002 йил 1 апрелдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товар билан натура шаклида тўлаши тақиқлансин, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно".

Хўш, Андижонда аҳвол қандай? Бу ердаги ишчи-хизматчилар маошини вақтида олаяптими? Яна Б.Саидовга юзланамиз.

— Чортоқ тумани "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишда жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра муддати ўтган 551,3 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик мавжудлиги аниқланиб, жамиятнинг собиқ раиси М.Давлатов ва бош ҳисобчи Р.Содиқовалар маъмурий жавобгарликка тортилди, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

С.Турғунова, С.Юсупова ва Ш.Жўраева каби фуқаролар Тўрақўрғон туманидаги "Роҳат" кўп тармоқли кичик корхонасида меҳнат қилишади. Улар 35 минг сўм миқдоридаги иш ҳақини белгиланган муддатда олишолмагач,

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**

***



**Ташаббус**

## Ҳеч ким ишсиз қолмайди

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда мамлакатимиз Президентининг бу борадаги қатор фармонларини амалга ошириш бўйича Қораўзак туманида ижобий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида яқинда туман прокуратураси ташаббуси билан ишсизлик ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркага тумандаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, банклар ва бошқа ташкилотлар жалб қилинди. Тавсия қилинган 133 та иш ўрни туфайли 86 нафар фуқаро меҳнат жойларига эга бўлди.

Туман прокуратураси аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликни тугатиш ва жиноятчиликка шароит яратадиган сабабларни бартараф этиш каби қатор масалалар бўйича ҳам қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиққан ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**Одил УБАТОВ.**

***

## Қишлоқда олтингугурт талқони

«Заурак — Милл» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг очилиши Жалолқудуқ туманида табиий газни қайта ишлаш ҳисобига ҳосил бўлган чиқинди — олтингугурт кристалидан қадоқланган олтингугурт талқони ишлаб чиқариш имконини берди. Қишлоқ хўжалиги тизимида ишловчилар маҳсулотнинг дастлабки харидорлари бўлишди. Тадбиркорлар истиқболда ушбу маҳсулотларни хорижга экспорт қилишни режалаштиришмоқда. Уларнинг энг замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишлари учун «Асака» банк 1,5 млн АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Германиянинг «Ротамилл» фирмаси эса ана шундай жиҳозларни келтириб ўрнатишни ўз зиммасига олди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***

# НАВОИЙ — бунёдкорлар диёри

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят марказида қад ростлаган Мир Алишер Навоий ҳайкали ва унинг номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғини олиб кўрайлик. Бу ҳайкал ва боғ навоийликларнинг энг севимли ва ардоқли масканига айланди. Айни чоғда «Ўзшаҳарсозлик» илмий-текшириш институти лойиҳаси асосида барпо этилган ана шу улкан мажмуа қурувчиларимиз маҳоратини синовдан ўтказди. Негаки, унда 20 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари иштирок этиб, ҳайкал пойида 1600 кишига мўлжалланган саҳна яратишди. Мажмуа ҳудудида турли шаклдаги 10 та фаввора қурилди. Умуман, 105 гектарлик сайилгоҳда ўнлаб маданий-маиший иншоотлар, боғу гулзорлар, буюк бобомиз асарларида акс этган қурилишлар ўз аксини топдики, буларнинг бари такрорланмас манзаралардир.

Шу билан бирга, қурувчиларимиз аждодларимиз қолдирган маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш ишига ҳам бебаҳо ҳисса қўшдилар. Ўтган йили Работи Малик, Сардоба, Қосим Шайх каби тарихий ёдгорлик мажмуалари қайта янги қиёфа касб этгани шундан далолат беради. Бу юмушларда, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива усталарининг фаол қатнашганликларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

**— Ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши хусусида нималар дея оласиз?**



— Бултур 16 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. «Навоийазот» бирлашмасига қарашли каустик сода ишлаб чиқариш заводи шулардан бири. У Германиянинг «Лурги Анлагенбау Хемниц ГмбХ» фирмаси билан ҳамкорликда тикланди. Лойиҳа қиймати 11696,36 минг сўм. Бу ерда ҳозир каустик содадан ташқари хлор, туз кислотаси ва натрий гипохлорид ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, Ўрта Осиёда ягона «Қизилқумфосфорит» комбинатининг 1-навбати, Учқудуқ-Мискин темир йўли, аэропортнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Булардан ташқари, тадбиркорлар томонидан 2,4 минг квадрат метр саҳнга эга ошхоналар, 2,8 минг квадрат метрлик савдо майдончалари, 38 та маиший хизмат шохобчаси ҳам қурилиб, ишга туширилди.

**— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ вилоятда кўплаб ўқув, касб-ҳунар даргоҳлари, саломатлик масканлари қурилиши кўзда тутилган эди. Бу борада аҳвол қандай?**

—Ўтган йили Қизилтепа, Хатирчи ва Томдида барча қулайликларга эга 1850 ўринли 3 та касб-ҳунар коллежи, Зарафшон шаҳрида 450 ўринли академик лицей, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларида 4 та умумтаълим мактаби талаба ва ўқувчилар ихтиёрига берилди. Айни пайтда 10 та касб-ҳунар коллежи қурилиши давом этмоқда. Академик лицейлар эса 5 тага кўпаяди.

Қишлоқ врачлик пунктлари қурилишига тўхталсак, якунланган йилда 15 та шундай тиббий маскан аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Нурота туманидаги туғруқхона эса Финляндиянинг «Медико-Медикат» фирмаси кўмагида 1200 минг АҚШ доллари миқдоридаги энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

**— Аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш йўналишларида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Бу масала ҳам эътиборимизда турибди. Жумладан, бултур 105,6 километрлик табиий газ қувурлари, 55 километрлик ичимлик суви тармоқлари қурилиб, белгиланган режалар ошиғи билан уддаланди. Шунингдек, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 217,5 минг квадрат метрлик уй-жой фойдаланишга топширилди. Самарқанд-Бухоро йўлининг Навоий шаҳридан ўтувчи қисми, қадим Кармананинг бош кўчаси, аэропорт билан шаҳар марказини туташтирувчи йўллар эса қайтадан таъмирланди.

**— Қурилиш суръатларининг ошишида, сизнингча, нималар асосий омил бўлмоқда?**

— Бунда Президент фармонлари, ҳукумат қарорларига биноан капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини таъминлашга доир аниқ тадбирлар ишлаб чиқилгани, мукаммал назорат режалари тузилгани асосий омил бўлаётир. 2000 йилнинг иккинчи ярмида 39 та кам қувватли, норентабелли қурилиш ташкилотидан 11 таси тугатилди, 19 таси хусусий корхонага, 9 таси акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Буларнинг ҳаммаси тез орада ўз самарасини бера бошлади.

Бугунги кунда жами 391 та қурилиш корхонаси ва ташкилоти мавжуд. Уларнинг 335 таси турли хилдаги хусусий мулк шаклида фаолият кўрсатаяпти. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишларида жонланиш бор. Улар томонидан йил давомида 8387 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу умумий пудрат ишларининг қарийб 30 фоизини ташкил этади. Шуни ҳисобга олиб, бултур уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 377,5 миллион сўмлик кредит ажратдик. Иш ҳажмларини ошириш, қурилиш материаллари билан таъминлаш, объектларни лойиҳалаштириш борасида ҳам уларга амалий ёрдам кўрсатилаётир.

**— Локализация, яъни маҳаллий хомашёдан фойдаланиш дастурининг ижроси ҳам кўпчиликни қизиқтиради.**

— Ҳозир «Қизилқумцемент», «Нуротамармар», «Ғозғонмармар», «Навоий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси» ҳиссадорлик жамиятлари, Қизилтепа ғишт заводи каби 13 та йирик корхонада ана шу дастур асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўз навбатида таннархни камайтириш имконини бермоқда. Устига устак, бултур 2772,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги хомашё экспорт қилинди. Янги технологияларни жорий этиш ва такомиллаштириш туфайли эса цементнинг янги турлари, паролик лотоклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Йил сайин қурилиш механизмлари сони камайиб бораяпти. Чунки эски техникаларни эпақага келтиришда эҳтиёт қисмлар танқислиги сезилиб турибди. Шу ўринда бир таклифим бор: лизинг асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари янги техникалар сотиб олаётгани маълум. Бу усулни қурилиш йўналишида ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмасди, деб ўйлайман.

**— Жорий йил режалари тўғрисида ҳам гапириб берсангиз...**

— Бажонидил. Айни пайтда 100 га яқин объектда қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Бу йил уларда жами 9700 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Бошқача айтганда, марказлашган маблағлар ҳисобидан 7 та касб-ҳунар коллежи, бир нечта умумтаълим мактаби, 10 та қишлоқ врачлик пункти, 212 минг квадрат метрлик турар-жой бинолари қурилиши тугалланади. 123 километрлик табиий газ, 65 километрлик ичимлик суви қувурлари тортилади.

Шу кеча-кундузда барча объектларда олиб борилаётган ишлар суръати бу режаларнинг, албатта, уддаланишини кўрсатиб турибди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ**
**суҳбатлашди.**

***

**Муштарийдан мактуб олдик**

# «Бизнинг бозорчага ҳам келинглар...»

"Халқ сўзи" газетасининг 9 апрель сонида босилган "Бозор кимнинг маҳрига тушган?.." сарлавҳали мақолада бозорларимиздаги хунук ҳолатлар ҳаммага тушунарли қилиб ёзилибди. Айниқса, бозорларимизни эгаллаб олган, ўзини воситачи атайдиган олибсотарларнинг тарозидан уриши, тозаликка риоя қилмаслик, қўй гўшти учун олинган маълумотнома билан от гўштини сотиш, балиқчилар ҳангомалари — ҳамма-ҳаммаси тўғри. Бундай ишлар бошқа бозорларимизда ҳам кўп.

Сизларга хат ёзишдан мақсад, бизнинг бозорчаларимизга ҳам келиб шундай ҳангомаларни ёзиб кетсанглар, дегандик. Бу бозорчаларнинг бирини "корейский" деб атаймиз. Нима учундир илгаридан номи шунақа. Ҳамма "корейс бозор" дейди. Асли "Водник" бозорининг филиали. Ёмғир ёққанда бу бозога келмаган маъқул. Тешик томдан шовуллаб оққан сувдан қочиб қутулиш қийин. Ҳар ким хоҳлаган жойида истаган нарсасини сотаверади. Тартиб-интизомга масъул бўлган раҳбарнинг эса парвойи палак. Қоида бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотадиган кишига 1 метр жой берилиши керак. Бизнинг бозорчамизда эса бу 80 сантиметрга туширилган. Ҳеч ким мушугимни "пишт" демайди, деган хаёлда юрса керак-да.

Иккинчи бозорчамиз "Водник". Айтинг-айтинг, бу ерда ҳамма нарса бор. Тижоратчи-ю олибсотар, балиқчи-ю сомсачи, тузламачи-ю нонвойлар, гулчи-ю қандолатчилар. Бу — яхши, албатта. Бироқ ҳамма нарсанинг ўз қонун-қоидаси бор. Сизлар ёзган мақолада айтилгандек, балиқ ва гўштни қаерда, қандай ҳолатда сотиш керак ахир?! Улар тез айнийдиган бўлса?! Бу ерда ҳам белгилангандан кам жой берилади. Савдо қилиш учун тегишли рухсатномаси борийм, йўғиям бозорчада ўз уйидагидек бемалол ўтираверади. "Бозорком" уларга бекорга шароит яратиб бермайди, албатта. Хуллас, айтаверсак, гап кўп. Ўзларингиз келиб кўрсанглар.

**Бозорча новвойлари ва тижоратчилари номидан**
**Х.Аляхунова,**
**Ч.Қосимова,**
**Н.Тошпўлатова.**

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Ушбу хат чоп этилишидан олдин ижодий ходимларимиз куюнчак газетхонлар тилга олган бозорчаларда бўлганида, кўрсатилган камчиликларнинг деярли ҳаммаси тасдиқланди. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 21 сентябрдаги 420-сонли қарорида эса бу миқдор 1 метр деб кўрсатилганига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан савдо қилувчиларга чиндан ҳам 80 сантиметр жой бериларкан.***

***Айтишларича, кечадан бошлаб балиқчилар "ҳайдалган". Бу ердаги қассоблар совутгичу музхонадан фойдаланмаслигини барча биларкан. Чунки йўқ-да. Бироқ кичкина бозорчадаги ўнлаб тижоратчиларнинг фақат 3 нафаригина тегишли рухсатнома кўрсатолганини ҳамма ҳам билмаса керак.***

**Азиз газетхон! Хўш, сиз томондаги бозорларда нима гап? Ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.**

